



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ОРОЛЬЎЙИ: ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?



Қорақалпоғистон... Бир пайтлар кўзни қувонтириб мавжлашиб турадиган Орол денгизи тўлкинлари ўрнида юракни ачиштирадиган манзара — миллионлаб гектар янги чўл пайдо бўлди. Мўйноқ аҳолиси изтироб билан “Орол кетиб қолди, энди бу жойларда ҳаёт барқ уриши амримаҳол”, дер эди. Ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ ушбу фожиа ҳақида бонг урилган бўлса-да, эътиборсизлик шундай катта денгиз қисқа вақт оралигида бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келди.

▶ Давоми 3-бетда

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК



БАХТГА ИНТИЛГАН ОДАМЛАР АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани Ўзбекистоннинг инсон қадр-қиммати, ҳуқуқлари борасида ташлаган муҳим қадамларидан бири сифатида халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Янги Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, уларга муносиб меҳнат шaroитини яратиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

МАҲАЛЛАНИНГ “ЎСИШ НУҚТАСИ”

МИРИШКОР ТАЖРИБАСИ: ЗАМОНГА ХОС, НИЯТГА МОС

Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари иш бошлаганига ҳали икки ой тўлмаган бўлса-да, одамлар ҳаёти, турмуш фаровонлиги йўлида таъсири сезила бошлади. Турли хушxabарлар тарқалиб, қайсидир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси кредит олишда кўмаклашгани, яна бошқасида паррандачиликни ривожлантиришда бош бўлаётгани овоза бўлмоқда.

Бугун биз сўз юритмоқчи бўлган Миришкор тумани “Вори” қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчисининг иш тажрибаси аллақачон тилга тушиб бўлди. Бу тажриба бошқа жойларда ҳам оммалашши эса, янада фойда келтириши кундек равшан. Қандай тажриба экан, дейсизми? Бу ҳақда мақоламиз давомида танишиб оласиз.

Эшик қоққан ким бўлди?

Маҳаллага гап оралади — кимдир “эшитдингларми, бундан буёғига ҳар бир маҳаллага ҳоким ёрдамчиси кўйилармиш”, деса, бошқаси “аҳолини иш билан таъминлашда ҳам ёрдам берармиш”, деди. “Банқдан кредит олишга ҳам ўзи бош-қош бўлармиш” дея кўшимча қилди яна бири.

Гап оғиздан-оғизга ўтиб, ҳар куни гузар ёки чойхонада вақтини ўтказиб, жуда эрмак топилмаса, гийбатни бошлаб юборадиганлар қулоғига ҳам етиб борди. Қизиғи, бу хушxabарлар уларнинг тахлилида бошқача тус ола бошлади. Бир ишни дўндириб кўйгани каби “у нима иш қилиб бераркин”, дея бошини қашлаб, савол назари билан шерикларига қаради.

▶ Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН “БАҲОР”И ЮРТИМИЗНИНГ “ТАШРИФ ҚОҒОЗИ”ГА АЙЛАНДИ!

ёҳуд Муқаррама хоним қизлари хиром айлаганда...

Ҳар қандай мамлакатни дунёга танитишда, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналар асосида тарбиялашда санъатнинг роли катта. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам аҳоли, айниқса, олис худудларда истикомат қилаётган фуқароларга маданий-маърифий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, маданият ва санъат соҳасида истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини миллий чолгулар, мусиқа дарсликлари, ноталар тўплами ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш борасида муҳим вазифалар белгилангани билан долзарб аҳамият касб этади.

Бир пайтлар жуда мураккаб вазиятларда ҳам ўзбек санъати “Баҳор” давлат рақс ансамбли орқали жаҳонга танилган эди. Лекин ўтиш даврининг бир қатор қийинчиликлари туфайли

шундай машҳур жамоа фаолиятини яқунлашга мажбур бўлди. Бу нафақат ўзбек рақс санъати мухлисларини, балки бутун халқимизни ўйлантираётган масала эди.

2020 йил 4 февраль куни Президентимизнинг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги оламшумул қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, Маданият вазирлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида “Муқаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли” фаолияти қайта ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди.

Ҳўш, бевосита “Баҳор” ансамбли ташкил этилишидан бошлаб унинг доврўғ қозонишига бўлган жараёндаги асосий мезонлар қандай бўлган? Янги “Баҳор” ансамбли янада зафарли бўлиши учун нималар қилиниши зарур?

▶ Давоми 6-бетда

ЭКОЛОГИЯ

ИНСОН БОҒНИ ЯШНАТАДИ, БОҒ ҲАЁТНИ

БУГУН МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ “ЯШИЛ ЙИЛЛИК”
УМУММИЛЛИЙ ТАДБИРИ БОШЛАНДИ



▶ 5-бетга қаранг

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

БАХТГА ИНТИЛГАН ОДАМЛАР
АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Азиза ЭРМАТОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети инсон ресурсларини
бошқариш кафедраси доценти,
иқтисодиёт фанлари доктори

вазифаларига мувофиқ, “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси” ишлаб чиқилди. Унга кўра, хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлаш, жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳалари, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан ва спорт муносабатларида хотин-қизларнинг эркеклар билан тенг иштирок этишини қўллаб-қувватлаш, қарор қабул қилишда уларнинг етакчилиги қилиши учун тенг имкониятларни яратиш каби вазифалар белгиланди.

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ўтказган сўровнома натижаларига кўра, мамлакатда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган сиёсат тўғрисида ҳар бир хотин-қиз ҳаётининг кўп соҳаларида ўз қобилияти, ижодий ва касбий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун имкониятга эга. Кейинги йилларда юртимизда юқори лавозимларда фаолият юритаётган аёллар сони тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда 1 минг 500 дан ортиқ хотин-қиз вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадига 6 мингдан зиёд фаол хотин-қиздан иборат кадрлар захираси шакллантирилди. Ҳозирги кунда уларни турли раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш бўйича тизимли ўқувлар ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунгача 6 нафар аёл ҳокимлик лавозимига тайинланди, Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбарлик мактабини эгаллади. Мамлакатимизда турли даражадаги давлат мукофоти совриндорлари бўлган хотин-қизлар сони 2 минг 224 нафарга етди. Бугунги кунга қадар 577 нафар аёл “Муътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Мамлакатимизда тадбиркор ва фермер хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча қарорлар берилди.

Демак, бугун Ўзбекистонда гендер тенглик, яъни эркеклар ва хотин-қизлар тенглиги айна ҳаёт тарзимизда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топяпти, деб бемалол айта оламиз.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, фақат эркеклардан иборат жамоага нисбатан ярами аёллардан иборат меҳнат жамоалари, айниқса, агар улар ақлий меҳнат билан банд бўлса, натижа бир неча баробар юқори бўлар экан. Бу кўрсаткич эса, шубҳасиз, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётнинг негизини ташкил қилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, гендер тенглик, бу — мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикатор.

Аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида “Аёллар дафтари” шакллантирилди. Унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш, билим ва касб ўрганишига иштиёқи бор хотин-қизлар киритилиб, улар билан манзилли ишлар йўлга қўйилди. Бугун ушбу дафтардан ижтимоий ҳимояга, ўзгалар парваршишига муҳтож, ишсиз, меҳнатга қобилиятсиз ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, уй-жойини таъмирлашга эҳтиёжи бор хотин-қизлар жой олмақда.

Ушбу тизим мамлакатимизда аёлларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга



“ МАМЛАКАТИМИЗДА БУТ УНГИ КУНГАЧА 6 НАФАР АЁЛ ҲОКИМЛИК ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАНДИ, ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА 16 НАФАР АЁЛ РАҲБАРЛИК МАҚОМИНИ ЭГАЛЛАДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ БЎЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР СОНИ 2 МИНГ 224 НАФАРГА ЕТДИ. БУТ УНГИ КУНГА ҚАДАР 577 НАФАР АЁЛ “МУЪТАБАР АЁЛ” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.

қаратилган бўлиб, “Аёллар дафтари”га киритиш орқали кўмак бериш тизими давлатимиз раҳбарининг алоҳида назоратида турибди. Утган йили Президентимиз хотин-қизлар байрами муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимда 2021 йилда ҳам аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги уринишларини рағбатлантириш ва бошқа касблар бўйича ўқиши учун зарур шарт-шароит яратиш ишлари давом этишини айтиб, “биронта ҳам аёл давлат ва жамият эътиборисиз қолмайди” деб таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, хотин-қизлар муаммоларини “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёж ва қизиқишлари ҳар

ярим йил биринчи ойининг дастлабки 15 кунда уйма-уй юриб ўрганилган ҳолда аниқлиги белгиланган эди. Бугун мамлакатимизда ушбу модул ўзининг самарасини берибгина қолмай, қийин ижтимоий аҳволга тушиб қолган аёлларнинг келажака, ўзига бўлган ишончини ҳам мустаҳкамламоқда.

Қолаверса, хотин-қизлар муаммолари анкета-сўровнома орқали аниқланиб, 3 кундан ошмаган муддатда хотин-қизларнинг шахсий индивидул анкеталарига киритилади. Ушбу дафтарга киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробарига чадир қўшимча кредитлар ажратилиши, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан тўрт баробарига чадир бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкинлиги белгиланди.

Бу дафтарга ҳар томонлама чуқур ўрганишлардан кейин муаммолари бор ва 30 ёшдан ошган

аёллар киритилади. Масалан, моддий таъминоти яхши оиладаги аёлда психик, соғлиқ жиҳатидан ва аксинча, камбағал оиладаги аёлнинг табиий, иқтисодий ёки бошқа бир муаммоси бўлиши мумкин. Демак, бу дафтар орқали нафақат аёлларни иш билан таъминлаш, балки психологик, тиббий, ҳуқуқий ва бошқа қўллаб-қувватлаш амалий ёрдам кўрсатиш масаласи турибди. Делик, таълим ва зўравонликдан жабрланиб, руҳий ёки психологик тушкунликка тушган аёл даволантилади. Ишсизми, ишга киришига ёки тадбиркорлигини бошлашига ёрдам берилади.

Утган йилнинг 9 ойида “Аёллар дафтари”га киритилган қарийб 451 минг хотин-қиз муаммоси ҳал қилинган, жумладан, 144 мингдан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож аёл тегишли касб-хунарларга ўқитилди, тадбиркорлиқни бошлаш учун кредитлар ажратилди ҳамда томорқадан фойдаланиш имкониятлари кенгайтириб берилди. Шунингдек, 38 мингдан ортиқ боқувчисини йўқотган, 36 мингдан ортиқ ногиронлиги мавжуд аёлларга амалий ёрдам, 117 мингдан ортиқ аёлга тиббий, 50 мингга яқини ҳуқуқий ҳамда 48 мингга яқин аёлга психологик хизмат кўрсатилди.

Жорий йилнинг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб номланишида ҳам хайрли бир ҳикमत бор. Бу йил ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, уларга манзилли кўмаклашиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

МАҲАЛЛАНИНГ “ЎСИШ НУҚТАСИ”

МИРИШКОР ТАЖРИБАСИ:
ЗАМОНГА ХОС, НИЯТГА МОС

Бошланиши 1-бетда

Меҳмон билан саломлашган оила бошлиғи, савол назари билан қарагани аниқланган Нодир яқинда шу маҳаллада иш бошлаганини, вазифалари нимадан иборат эканини тўлиқ тушунириб берди. Шундан сўнг айна жараёнда хатлов ишлари олиб борилаётганини айтди. Кейин хонадон эгасига саволлар бера бошлади. Бу сўровлар натижаси бесамар кетиши, дафтарга ёзиб олишлар ҳужажурсинга, дея кўнглидан ўтказаркан, ҳоким ёрдамчисини кузатиб, уйига киргач хотинининг рўзгор камчиликлари ҳақида дийдиси олиб тушди. Энди иш топишга бел боғлади.

Излаган имкон топар

Болалигидан ҳисоб-китобга қизиқиши кучли бўлган Нодир Хуррамов мактабни тугатгач молия йўналиши бўйича олий маълумот олди. Ўз билими ва қизиқишига таяниб, Вори қишлоғида тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади.

Дастлаб, қишлоқ шароитида тадбиркорликнинг қайси турини ривожлантириш борасида иш олиб борди. Бир қатор йўналишларни ўрганди. Одамларнинг тақлифларини таҳлил қилиб чиққач, режа асосида маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ишга туширишни бошлади. Ёш тадбиркорнинг ишлари юришиб кетди. Маблағлар айланмасини янада кенгайтириш мақсадида чорвачиликни ҳам йўлга қўйди. Уч-тўрт одамни иш билан таъминлаб, тармоқни кенгайтди. Бу вақтга келиб эса, ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилаётгани ҳақида хабар тарқалди. Бу Нодир учун айна муддао бўлди. Унинг номзоди

тадқиқланиб, “Вори” қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчиси бўлиб иш бошлади.

Янги ва маъсулятли лавозим эгаси аввалдан ўйлаб юрган ишларини рўёбга чиқариш мақсадида ишни ҳамқишлоқлари бандлигини таъминлашга кўмаклашишдан бошлади.

Қишлоқ аҳолисининг қайси бири нима билан машғул эканини беш қўлдайд билгани боис, хатловни ҳам осон ўтказиб, қисқа фурсатда ўйлаган режасини амалга оширишга киришди. Тажрибали тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, аҳолининг ўз-ўзини банд қилиши учун кўмак бериш борасида тақлифларини ўртага ташлади.

“ ҲАЙИТГУЛ ОЛТИЕВА ТУРМУШ ЎРТОҒИ ИККИТА СИГИР ЕТАҚЛАБ КЕЛГАНДА, УЛАРНИ БОҚИБ ПАРВАРИШЛАШ БОРАСИДА БИР ОЗ ИККИЛАНИШ БОР ЭДИ. ЛЕКИН НАСЛЛИ ЗОТ ЭКАНИ КЎРИНИБ ТУРГАН БУ ҚОРА МОЛЛАРНИНГ КУНИГА 12-15 ЛИТРГАЧА СУТ БЕРИШНИ ЭШИТИБ, ҲАЙРАТДА ҚОЛДИ. ЯНА СУТНИ ФЕРМЕР ЎЗИ СОТИБ ОЛИШНИ, ЕМ-ХАШАК БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЭШИТИБ, ИККИЛАНИШЛАР ОРТАГА СУРИЛДИ. ТЕЗДА ИШГА КИРИШИЛДИ. ҲАР КУНИ СУТ СОҒИЛИБ, ФЕРМЕРГА СОТИЛА БОШЛАДИ.

Бекорчилик орта қолди

Қишлоқда чорвачилик йўналишида фаолият юритиб келаётган “Тошматов Нормўмин” фермер ҳўжалиги раҳбари га ёш ҳоким ёрдамчисининг тақлифи маъқул бўлди. Нодир қисқа фурсатда аҳоли ўртасида чорвачиликка қизиқувчилар рўйхатини шакллантириб, фермер билан шартнома тузишга эришди. Шу тариқа, ҳар бир хонадонга иккитадан соғин сиғир тарқатилди. Ёнг муҳими, фермер ем-хашакни етказиб беради ва кунлик соғилаётган сутни ўзи сотиб олади.



соғилиб, фермерга сотила бошланди.

— Ҳоким ёрдамчиси Нодир исми ёш йиғит хонадонимизга келиб суҳбат ўтказганидан, унчалик эътибор қаратмаганим, — дейди Ҳайитгул опа. — Турмуш ўртоғим ҳам, мен ҳам бекор эдик. Уйлаб кўриб, иккита сиғир олишга келишдик. Рости бошида анча ўйлашиб юрдик. Бугун ҳар куни даромад келиб турибди. Кунига 55-60 минг сўмга сут сотаямиз. Рўзгорга керакли нарсалар олиб, фарзандларимизни ўқишга шароит яратаямиз. Оилавий иш билан банд бўлдик. Аввалги бекорчилик ортада қолди. Энди вақт топилди, дегунча сиғирларнинг ем-хашагига, сувига қарашга ҳаракат қиламиз. Бизга жуда маъқул бўлди. Ойига икки миллион сўмга яқин даромад топямиз. Эндиликда, бўрдоқчилик бўйича иш бошламоқчимиз. Ҳоким ёрдамчиси яқинда фермер билан бўрдоқчилик борасида ҳам шартнома тузиш тақлифини ўртага ташлади. Бунда қора

молнинг тирик вази таразига қўйиб, тортиларкан. Икки ёки уч ой боқиб, кейин фойда тенг иккига бўлинаркан. Бу ҳам бизга бир имконият. Бундан фойдаланиш эса даромад.

Рости, хаёлга келмагани...

— Қишлоқ фуқаролар йиғинимиз ҳудудига 2185 аҳоли истиқомат қилади, — дейди “Вори” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳамидулла Уринов. — 415 та хонадон бор. Ростини айтишимиз керак, ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси иш бошлагани аҳоли имкониятлари кенгаётганидан далолат. Қишлоғимиз туман марказидан олисда жойлашган. Шу боис, аҳоли бирор иш билан шуғулланиш, даромад топиш борасида маслаҳатгўй топпмай сарсон бўларди. Гоҳида банк эшигини қоқиб, қуруқ қайтар, баъзан кредит олгани ҳам маблағни қандай ишлатишни билолмай, пулни бекорчи ишларга сарфлаб қўйиб, суд эшигига сарғайишга мажбур бўларди. Айрим ҳолларда ўзида пул бўла туриб, нимага ишлатишни билмасдан, бефойда кетган вақти нақдига ачинганлар ҳам бўлди. Бугун эса бошқача.

Жорий йил бошидан иш бошлаган ҳоким ёрдамчиларининг ўрни қисқа вақтда сезила бошлади. Қишлоғимизда етмишга хонадонга икки бошдан сиғир етказиб берилди. Ҳозирда етмишга хонадонга кунлик даромад келяпти. Фермер томонидан ем-хашак билан таъминланиши, сутни ўзи сотиб олиши одамларга маъқул бўлмоқда.

Бу ишлар шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Нодир Хуррамов аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш мақсадида тинмай ҳаракат қилляпти. Одамлар сабзавотчилик билан шуғулланиши учун елиб-югурмоқда. Шу кунларда ўндан ортиқ хонадонга 1 гектаргача ер ажратилиб, уларга мош уруғи тарқатилляпти. Улар тақрорий эрдан унумли фойдаланиб, ўзини ўзи банд қилишга, оила бюджетига хисса қўшишга ҳаракат қилади.

Энди эса бошқача

Бугун Миришкор туманидаги Вори қишлоғи аҳолисининг турмуш тарзи ўзгарди. Авваллари гузарда гап сотиб

“ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНING ҚАЙСИ БИРИ НИМА БИЛАН МАШҒУЛ ЭКАНИНИ БЕШ ҚЎЛДАЙ БИЛГАНИ БОИС, ХАТЛОВНИ ҲАМ ОСОН ЎТКАЗИБ, ҚИСҚА ФУРСАТДА ЎЙЛАГАН РЕЖАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КИРИШДИ. ТАЖРИБАЛИ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ, АҲОЛИНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ БАНД ҚИЛИШИ УЧУН КЎМАК БЕРИШ БОРАСИДА ТАҚЛИФЛАРИНИ ЎРТАГА ТАШЛАДИ.

турган бекорчи одамлар аллақачон ўз ишига шўнғиб кетган. Ҳоким ёрдамчисининг ишига шубҳа билан қараб, ҳар хил ишонсиз гап оралатганлар эса, тилни тилаганча, сиғир сутидан тушган кунлик тушумини санашга ўтган.

Энди аҳоли нафақат фермер берган соғин сиғирлар орқали, балки ўзининг хонадонидида сиғирларидан даромад топиш мақсадида ишонч ҳосил қилиб, шунга интиломоқда. Яна кимдир ўз томорқасидан унумли фойдаланса, ҳар йили рўзгорга қанча маблағ киришини ҳисоблаб, ишга киришган. Ҳар бир иш аввалида ҳоким ёрдамчисининг маслаҳатини олишга интиломоқда. Бир сўз билан айтганда, энди бошқача турмуш тарзи бошланган. Бу ҳар бир хонадонда сезилмоқда.

Тез орада одамлар ишончига кирган 32 ёшли ҳоким ёрдамчиси Нодир Хуррамов эса доимий изланишда. Мақсади аниқ: одамлар бой бўлса бўлгани. Бугун учун одамларнинг ўзини ўзи банд қилишга кўмаклашиш, ўтаётган ҳар бир кунни мазмунли ўтказишга эришиш кифоя. Шундангина турмуш фаровон, оилалар тинч ва хотиржам бўлади.

Акбар ҒОЗИЕВ,
журналист

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ОРОЛЬБЎЙИ: ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?



Иброҳим АБДУРАҲМОҶОНОВ,
инновацион ривожланиш вазир,
академик

Бошланиш 1-бетда

Ҳалокат кўламини чуқур англаган Президентимиз экологик инқироз шароитида яшаётган матонатли Қорақалпоғистон аҳолиси олдига ҳаммамиз қардор эканимизни катта минбарларда баралла айтиди. Қорақалпоғистонга илк таширфидеяк "ҳалокатни фақатгина ўзимиз амалий ишлар ва шахсий намуна билан бартараф этишимиз мумкин", дея барчамизнинг зиммамизга экологик инқирозни имкониятга айлантириш вазифасини қўйди. Давлат раҳбарининг зудлик билан Оролбўйи минтақасидаги фожиа оқибатларини ўнглашга киришгани шу элга бўлган ҳурмат ва эътибор, камарбасталикнинг намунасида.

Мўйноққа Президентимизнинг илк ташрифи ҳамда ичимлик суви етиб келган пайтларда халқнинг ҳаяжони ва миннатдорлигини яхши эслаймиз. Давлатимиз раҳбари ушбу экоҳалокатнинг минтақага ва дунёга таъсирини чуқур идрок этган ҳолда, замонавий илм-фан янгиликларини сафарбар этиш орқали фожиа оқибатларини юмшатиш ва келажакда содир бўлиши тахмин қилинган бошқа ҳалокатларнинг олдини олиш мақсадида 2018 йил 16 октябрда "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида" қарор қабул қилган эди.

Ушанда ҳужжат моҳиятини тушунтирар экан, шу пайтгача Оролбўйи муаммоларига ажратилган миллиардлаб маблағлар ҳудудда на экологик ҳолатни ўнглашга, на аҳолининг турмушини яхшилашга сабаб бўлганини куюниб гапириб, энди биз бу ишларни ҳеч кимдан кутмасдан, халқро тажрибани ўрганган ҳолда, ўз илмимиз, олимларимиз ишланмалари ҳамда ўз маблағларимиз ҳисобига амалга оширишимиз лозимлигини белгилаб берганди. Қисқа вақтда инновация ва технологияларни жорий қилишга катта маблағ ажратилиб, Оролнинг қуриган тубида бир қарашда ишониб бўлмайдиган кўкаламзорлаштириш ҳамда Мўйноқни қайта барпо этиш ишлари бошланганига гувоҳ бўлганмиз.

Беш йил аввал тасаввуримизга сиғмайдиган ҳолатни яқинда ўз кўзимиз билан кўрдик — биринчи рақамли борт Мўйноқ аэропортига кўндин, янги Мўйноқнинг қиёфаси энди умуман ўзгача, қуриган Орол тубида барпо этилган яшил макон ва бу ерда тикланаётган ҳайвонот олами... Буларнинг бари "интилганга толе ёр" нақлининг нақадар тўғри эканини исботлаб турибди. Инқирозга юз тутган Мўйноққа жон кирди. Оролбўйида сўнгги йилларда ижобий ўзгаришлар рўй беришига замин яратди. Орол тубидаги 1,5 миллион гектар майдон тўқайзорга айлантирилди.

Давлатимиз раҳбари Эрон, Австралия ва Исроил каби қурғоқчил ҳудудлардаги тажрибага тўхталаркан, "Ҳали кўрасизлар — бу ерлар талаш бўлади, дастлабки амалий ишлар натижаси янада кўпроқ ишлар қилиш имкончилигини исботи эмасми?!" деди. Бунинг учун энди фақат илмий тадқиқотларни кенгайтириш, олимлар сафарбарлигини таъминлаш ҳамда жаҳон тажрибасини жорий қилиш орқали сувсизлик ва шўрхокка чидамли ўсимлик турлари, экан навларини яратиш, сув тежамкор технологияларни



қўллашимиз керак. Хўш, шу пайтгача нималар қиллодигу, энди нима қиламиз, Президент қўйган вазифани бажаришга имкониятимиз борми?

Инсон капитали — бош омил

Оролбўйи халқаро инновация маркази фаолиятини тўғри йўлга қўйиш ҳудудда инновацион ва илмий ишланмаларни кенг жорий этиш, шўрланган ерларда экотизимни яхшилаш ҳамда муносиб ҳаёт фаолиятини таъминлаш имконини беради. Агроўрмон мелиорацияси, саҳрони дарахтзорга айлантириш, сув ости экинлари, биоэнергетика, экинлар диверсификацияси, экинлар комплексини етиштириш, чорвачилик, яйловларни ривожлантириш, қурғоқчиликни бошқариш учун, аввало, кадрлар потенциалини оширишга эътибор қаратилди.

2019-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикасидан 27 нафар ёш олим етакчи хорижий илмий ташкилотларга қисқа муддатли илмий стажировкаларга юборилди ва мазкур мақсадлар учун 491,9 миллион сўм ажратилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг 6 нафар ходими 2019 йилда Бирлашган Араб Амирликларининг Қурғоқчилик шароитида биодеҳқончилик халқаро марказида (ICBA) стажировка ўтади.

Стажировка давомида олинган билим ва кўникмалардан фойдаланган ҳолда ҳозир ёш олимлар марказ лабораториясида ҳамда Мўйноқ ва Нукус туманларидаги тажриба-синов майдонларида қатор тадқиқотлар билан машғул.

Тупроқнинг сифат кўрсаткичи қандай аниқланади?



Туятикан, ширин қизилмия каби ёввойи ўсимликлар маданийлаштирилмоқда, Саманбай тажриба-синов майдонида ICBA лойиҳаси доирасида турли мамлакатлардан келтирилган киноа, амарант, буфел ўти, кўк тарик, доғли жўҳори намуналари синовдан ўтказилмоқда. Маҳаллий ёввойи ўсимликлар флораси (туятикан, ширин қизилмия, галофит) вакиллари маданийлаштириш учун Оролбўйига мослашган ўсимликлар кўчатхоналарини ташкил этиш мақсадида уруғ ва экиш материалларини йиғиш чоралари кўрилди.

ICBA (БАА) молиявий кўмағида Орол денгизининг қуриган тубидан 10 хилдан ортик тупроқ типини бир жойга тўплаш ва илмий изланишлар қилиш мақсадида лизиметрик тадқиқот майдончаси барпо этилди. Натижада тупроқ қатламидеги сув ва тузлар мувозанати бўйича сонли қийматларгина эмас, балки жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлган қимматли маълумотлар ҳам тўпланади. Бу эса, тупроқнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, ёмғир чувалчанги ёрдамида вермикомпост тайёрлаш тажрибаси ҳам ўтказилди.

Нукус тумани ҳудудида 24 гектар, Мўйноқда 75 гектар ерда тажриба-синов давом этмоқда. Бу майдонларда бир қатор халқаро илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек, олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда Оролбўйи иқлимга мослашган, чўлга чидамли ўсимликлар генофонди яратилиб, тадқиқот-синов ишлари олиб бориляпти.

Орол минтақасига мослашган ўсимликларнинг sanoat плантацияларини яратишда фойдаланиш учун Япониянинг Тоттори университети ва Урмон хўжалиги кўмитаси билан ҳамкорликда жийда, айлант, канада тоғи ва павлония каби тез ўсадиган дарахтлар танлаб олинляпти.

Қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификациялаш мақсадида марказ участкасига бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликларнинг 56 тури ва 228 нави тажриба-синов тариқасида экилди. Жумладан, баҳорги бугдой, жўҳори, маккажўҳори, тритикале, аспир, мойли зиғир, Африка тариги, беда, соя, мош ва бошқа ўсимликларнинг турли давлатлардан келтирилган намуналарида экологик синовлар ўтказилди.

Оролбўйи муаммоларини бартараф этишда Хитойнинг Синьцзян экология ва география институти олимлари билан ҳам тадқиқот ишлари

бошланди. Минтақада сув танқислигига мослашиш, денгизнинг қуриган тубида чўл ўсимликларидан иборат ўрмонзорлар барпо этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига ихтисослашган лаборатория ташкил этиш мақсадида хитойлик ҳамкорлар томонидан лаборатория ускуналари, кичик техника ва зарур асбоб-ускуналарнинг бир қисми олиб келиб ўрнатилди. Саманбай ва Мўйноқ илмий ишлаб чиқариш участкаларида сув тежовчи технологиялар жорий этиш, шунингдек, кичик метеостанция ўрнатиш бошланган.

2021 йилда Нукус туманида Оролбўйи халқаро инновация маркази ҳузурида ўсимликлар уруғлари генбанки билан таъминланган лаборатория, олим ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бизнес акселератор ўқув маркази ҳамда технопарк ташкил қилингани соҳада ёшларнинг иштирокини янада кенгайтирди.

Туниснинг Chahbani Technologies компанияси олимлари билан ҳамкорликда тупроқ остида сўғориш ирригация тизимини жорий этиш бўйича ҳам лойиҳа ишлаб чиқилди. 0,05 гектар майдонда марказга қарашли замонавий иссиқхона қуриш ишлари якунланди. Лойиҳа натижаларига қараб тизимни республикамиз деҳқон-фермер хўжалиқларига жорий этиш режалаштирилган.

Экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди

2021 йил 18 май кунини БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди. Мазкур резолюцияга асосан, экологик инновациялар ва технологиялар, яшил иқтисодиёт ва маҳсулотлардан кўп марта фойдаланадиган бизнес тамойиллар асосида Оролбўйини экологик ва инсон инқирози билан



“ЖОРИЙ ЙИЛ АПРЕЛЬ ОЙИДА НУКУС ШАҲРИДА ЁШЛАР ТЕХНОПАРКИ ҚУРИЛИШИ НИҲОЯСИГА ЕТАДИ. УНДА ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ИНФРАТУЗИЛМА ЯРАТИЛАДИ, ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ, СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АКСЕЛЕРАЦИЯ ДАСТУРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ЭРИШИЛАДИ. ЙИЛИГА 300 ГА ЯҚИН ЁШ КАСБГА ЎРГАТИЛИБ, УЛАРНИНГ 100 НАФАРИ АКСЕЛЕРАЦИЯ ДАСТУРИДА ИШТИРОК ЭТАДИ, 15 ДАН ОРТИҚ СТАРТАП ЛОЙИҲА ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ.

боғлиқ ҳудуддан барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланган ҳудудга айлантириш бўйича устувор лойиҳалар йўналишлари белгиланди.

2021 йил 22 ноябрь кунини Тошкентда "Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантирамиз" мавзусида бўлиб ўтган халқаро анжуманда дунё тажрибасидан келиб чиқиб, Оролбўйи минтақасида инновациялар ва экологик тоза технологияларни жорий этиш, чўлланишнинг олдини олиш ва экологик туризмни ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистонда 2021-2023 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқотлар учун 46 миллиард сўм ажратилиб, биргина Чимбойдаги деҳқончилик илмий-тадқиқот институти томонидан қарийб 7 миллиард сўмлик 5 та илмий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Телетиббидет масофадан шифо улашади

Қорақалпоғистон аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ўта долзарб масалага айланган. Албатта, Оролбўйи ҳудудида анъанавий тиббидет масканлари, тажрибали шифокорлар фаолият юритиб, аҳоли саломатлигига ҳисса қўшиб келмоқда. Шу билан бирга, биз муқобил ечим сифатида Мўйноқда телетиббидет хизматини жорий этдик. Энди чекка ҳудудлардаги беморлар нафақат пойтахтдаги тиббидет илми усталари, балки хорижлик олимларнинг маълумотини олиш имкониятига эга бўлди.

Беруний туманидаги ДМС инновацион клиникаси эса кўп тармоқли шифохона ҳисобланади. Бу ерда кардиология, жарроҳлик, офтальмология, ортопедия, стоматология, клиник лаборатория ва инструментал текширувлар каби йўналишлар бўйича жаҳон стандартларига мос тиббий хизматлар кўрсатилади.

Жорий йил апрель ойида Нукус шаҳрида Ёшлар технопарки қурилиши ниҳоясига етади. Унда замонавий лойиҳаларни амалга ошириш учун инфратузилма яратилади, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, стартап лойиҳаларни ривожлантириш, акселерация дастурлари ташкил этишга эришилади. Йилига 300 га яқин ёш касбга ўргатилиб, уларнинг 100 нафари акселерация дастурида иштирок этади, 15 дан ортиқ стартап лойиҳа шакллантирилади.

Агрлоток сувни тежаш имконини беради

Ўтган йили вилоятларнинг ҳар бирида биттадан туман танлаб олиниб, уларни инновацион ривожлантиришга киришилди. Қорақалпоғистоннинг Нукус тумани ҳам инновацион ҳудудга айлантириш бўйича қатор ишлар қилиняпти. Хусусан, жами 10 та стартап лойиҳа умумий 5,3 миллиард сўм миқдоридеги маълумлаштирилган.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2022 йилда Нукус инновацион туманида балиқчилик кластерини ташкил этиш мақсадида 2 та стартап лойиҳа — "Bostanova Nesibel" МЧЖнинг "Оролбўйида балиқчиликни ривожлантириш, шунингдек, йўқолиб кетиш хавфи остида турган балиқ турларини тиклаш" ва "AMU ARAL SAZANI" МЧЖнинг "Инновацион рециркуляция интенсив усулда балиқ етиштириш" стартап лойиҳалари молиялаштирилмоқда.

"Bostanova Nesibel" корхонасида йилига 10 тонна карп, оқ амур ва дўнгпешона балиқ чавоқлари етиштирилиб, улар балиқчилик хўжалиқларига шартнома асосида етказиб берилиши кўзда тутилган. "AMU ARAL SAZANI" МЧЖ томонидан 3 гектарлик сунъий кўлда инновацион усулда балиқ етиштирилади. Бунинг учун корхонада Хитой технологияси асосида 10 та сунъий ҳавза ўрнатилган. Бу ва бошқа лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида Нукус туманида 30 та янги иш ўрни яратилади. Умуман, Оролбўйида балиқчиликни ривожлантириш жараёнида йўқолиб кетиш хавфи остида турган балиқ турларини тиклаш ҳам олдимизда турган вазифалар сирасига киради.

Умуман, 2021 йилда Нукус туманида 20 га яқин кичик инновацион ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиб, тадбиркор-олимларга қарийб 18 миллиард сўм маблағ ажратилди. Булар чорвачиликда гидропоника усулида ем, яшил иқтисодиётга асосланган органик помидор қоқи, инвитро усулида Оролбўйи ҳудуди учун кўчатлар етказиш, қизилмия илдизи чикиндиларидан юқори калорияли брикетлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Истикболдаги вазифа ва режалар

Юқорида айтилганидек, давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифи давомида Оролнинг қуриган тубидаги 3,5 миллион гектар ерни ўзлаштириш учун илмий тадқиқотларни кенгайтириш ва бунда, биринчи навбатда, халқро тажрибани кенг жорий қилиш вазифасини қўйди. Мақсад — ердан фойдаланувчилар учун тайёр илмий ечимга эга ишланма, технология, стрессга чидамли нав ва уруғ, янги ҳайвон зотларини кўпайтиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш.

Келгусида Қорақалпоғистонда янги стартап лойиҳаларни йўлга қўйишни ният қилганмиз. Жумладан, узумчиликни ривожлантириш мақсадида инвитро усулида лаборатория ташкил этиш, рециркуляция усулда интенсив балиқ, аҳоли томирқасида кооперация асосида маҳсулот етиштиришни кенгайтириш учун шампиньон кўзиқорин парварилаш ҳамда қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Мўйноқ ва Саманбай тажриба майдонларида Хитойнинг экология ва география институти билан бирга, 4 гектар майдонга томчилатиб сўғориш тизими технологияси ва тузга чидамли ўсимликлар плантациялари намойиш майдонларини ташкил этиш режалаштирилган.

Энг асосий вазифа — янги иш ўринлари яратиш. Айнан шу мақсадда 2030 йилгача Инновацион ривожлантириш стратегияси доирасида Оролбўйи ҳудудини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш бўйича тайёр ишланмалар тадбиркорларга таклиф этилиб, бошқа ҳудудларда ҳам кенгайтириб борилади. 2022 йилда кичик инновацион корхоналар сони 50 тага етказилиб, 1000 дан ортиқ юқори технологик иш ўрни яратиш устида иш олиб борилади.

Президентимиз ташрифи чоғида қўйилган муҳим вазифаларни бажариш — "экологик инқирозни имкониятга айлантириш"га барча асослар ва илмий шароитлар мавжуд. Ғамхўрлик, жонқуярлик, эл-юрт тақдирига камарбасталик улғувор мақсадларнинг амалга ошишига замин бўлади.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ОЛДИДАН

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁДАГИ
ХАВФСИЗ ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИДА

БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича сай-ҳаракатларга доир статистик маълумотларига кўра, сўнгги йилларда дунё мамлакатларида содир этилган 1787 террорчилик ҳаракати оқибатида 14 мингга яқин инсон вафот этган, 166 минг 800 дан зиёд киши жароҳатланган. Террористик таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон хавфсизлик ва барқарор ривожланиш бўйича устувор бўлган ўз стратегиясини ишлаб чиқди. Шунингдек, мамлакатимизда терроризм учун жавобгарлик аниқ белгилаб қўйилди.



Мирзаюсуф РУСТАМБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТнинг терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган 13 та ҳужжати (11 та Конвенция ва 2 та протокол) ратификация қилинган. Шу билан бирга, Ўзбекистон 30 дан ортиқ давлат билан жиний ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам, айбдорларни топшириш ва уларни қидириш масалаларига оид конвенция ва шартномаларни имзолаб, самарали ҳамкорликни давом эттириб келмоқда. COVID-19 билан боғлиқ шароит барча мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва иқтисодий фаолиятида инқироз юзага келишига сабаб бўлди. Бу эса, терроризм ғоялари тарқалиши, унинг тарафдорлари сони омиши учун қулай шароит яратди. Камбағаллик ва ишсизлик ўсиши, минтақалардаги нотинч вазият ҳам террористик ташиқлотларнинг озуқа манбалари кучайишига олиб келмоқда.

Терроризм билан боғлиқ глобал таъсирга эга муаммоларни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, XX асрнинг биринчи ярмига қадар террорчилик ҳуружларининг 80 фоизи хусусий мурда, 20 фоизи инсонларга қарши қаратилган бўлса, XXI аср бошидан буён уларнинг 70 фоизи инсониятга қарши йўналтирилмоқда. Шу мисолнинг ўзи терроризмга қарши кураш стратегиясини янги асосларда ривожлантириш зарурлигини аниқлатади.

Шу маънода, мамлакатимизда терроризм муаммосига ёндашуви ўзгартириш, аҳолини ёт ғоялар таъсиридан қайтариш ҳамда самарали профилактика чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги кун тартибига олиб чиқилди. Бу чоралар Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда унинг доирасида қабул қилинган қатор қонунларда ақс этиб, терроризм профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларнинг янада тақомиллаштиришга имкон яратди.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта 2020 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияда давлатнинг террорчилик жиноятларида айбдор шахсларга нисбатан сиёсати, шу жумладан, уларни реабилитация қилиш масалалари ҳам ақс этган. Ушбу чора-тадбирлар инсонпарварлик, адолат, суд тизими мустақиллиги, “Ҳабас корпус” институтини кенгайтириш ва терговда суд назоратини кучайтириш тамойилларига асосланади.

Кейинги йилларда ижтимоий реабилитация, экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган ва ўз хатосини англаб етган инсонларни нормал ҳаётга қайтариш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тузалиш йўлига қатъий қадам қўйган шахсларни “қора рўйхат”дан чиқариш масаласи қайта кўриб чиқилди. 2017 йилдан буён 20 мингдан ортиқ шахс бундай рўйхатлардан чиқарилди.

Мамлакатимизда Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги жанговар зоналарда булган фуқароларнинг ҳолатларини

ломшунослик бўйича олий маълумотли дин уламулари ва мутахассислар тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикаси терроризмнинг ўзгарувчан шакллари, объекти ва мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, терроризмга қарши кураш стратегиясини замонавий хавф ва таҳдидларга мослаштириди, ҳуқуқий маданиятни, маънавий ва диний маърифатни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тақомиллаштириш орқали одамлар, биринчи навбатда, ёшлар онги учун курашиш зарурлигини тан олган ҳолда ҳаракатларни амалга оширмоқда;

“Ўзбекистонда фуқароларнинг террористик маққурларга мойил бўлишига олиб келадиган сабабларга қарши курашиш муҳимроқ” деган тамойилга таянмоқда. Давлат ўзининг аксилтеррорчилик сиёсати билан фуқаролар орасида, бир томондан, ислом динини нотўғри талқин қилишга йўл қўймастик, иккинчи томондан миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда;

ҳалқаро ҳамкорлик механизмлари мустаҳкамланиб, терроризмнинг олдини олиш соҳасида тажриба алмашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пировардида, Ўзбекистон дунёдаги хавфсиз давлатлар қаторига киритилишига эришилди. Буни 2020 йилда эълон қилинган “Глобал терроризм индекси”да Ўзбекистон 164 давлат орасида 134-урини эгаллаб, террорчилик хавфи даражаси паст бўлган мамлакатлар топфасига киргани ҳам тасдиқлайди.

Замонавий босқичда терроризмга қарши курашдаги асосий ёндашувларни Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўришимиз мумкин. Жумладан, стратегиянинг 82-мақсадидида “**Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш**” белгиланган.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали давлат сиёсатини амалга ошириш, уларни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларни тақомиллаштириш, аҳоли, айниқса, ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафқурасига қарши қатъий ва барқарор имунитетни шакллантириш, экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташиқлотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳам-

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ҲАРАКАТЛАРГА АЛОҚАДОР ШАХСЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ АФВ ЭТИШ АҚТЛАРИНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ БўЛДИ. 2017 йИЛДАН БУЁН УШБУ ЧОРА ЭКСТРЕМИСТИК ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ўТАётган 4000 дан ортиқ ШАХСГА НИСБАТАН ҚўЛЛанилган. АФВ ЭТИШ АҚТИ ҚОНУНИ БУЗГАН ШАХСЛАРНИ ТУЗАТИШ УЧУН МУҲИМ РАФАТ БўЛИБ, УЛАРНИ ЖАМИЯТГА, ОйЛАГА ҚАЙТИШ ВА МАМЛАКАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАётган ИСЛОХОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОҚЧИСИГА АЙЛаниши ИМКОНИЯТИНИ БЕРАДИ.

корлик жараёнларига, шу жумладан, экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш лозим.

Юқоридakilардан қораси қилиш мумкинки, Ўзбекистон терроризмга қарши кураш борасидаги ёндашувларини янги-янги таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда мослаштириб бормоқда. Бунда асосий эътибор инсон, жумладан, ёшларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилишга қаратилган.

Шу йил 3-4 март кунлари Тошкент шаҳрида “БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтиши кутилмоқда. Мана шу тадбир олдида таъкидлашни истардики, терроризмга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишлари ўзаро мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун Марказий Осиё давлатлари ўртасида “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида декларация” қабул қилиш вақти келди ҳамда мазкур ҳужжат терроризмнинг барча минтақа давлатлари учун мақбул таърифи ҳамда асосий тушунчаларини, терроризмнинг олдини олиш чораларини, унга имкон берадиган омилларни бартараф этиш каби долзарб масалалар тартибга солиниши лозим. Бу эса, келгусида терроризмга қарши кураш борасидаги ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқишга имкон беради.

Глобаллашув даврида дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш тобора мураккаблашиб бормоқда. Таҳликали вазият ва қуролли тўқнашувлардан манфаатдор кучларнинг ҳийла-найранглари ҳам замонга мослашган ҳолда, турли кўринишларда авж оляпти.

Дунё сиёсий сахнасида юз бераётган бундай таҳликали вазиятлар барча давлатларни янада огоҳ бўлишга чорляпти. Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикасига ташириш доирасида Беруний туманида бўлиб ўтган бир гуруҳ фаоллар билан мулоқоти чоғида бу ҳақда тўхталиб, дунё соат сайин ўзгариб, таҳликали бўлиб бораётгани, бундай вазиятда иқтисодиётимиз, муудофаамизни мустаҳкам қилиб, Ватанимизнинг қудратини кўтаришга ҳаракат қилишимиз зарурлигини алоҳида таъкидлади.

ИЖТИМОЙ ТАҲДИДЛАР:
САБАБ, ҲИМОЯ ВА ТАКЛИФ

Шуҳрат ҒОЙИБНАЗАРОВ,
Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университетининг Тошкент шаҳридаги филиали директори ўринбосари, сиёсий фанлар доктори, профессор

Эътиборли жиҳати, таҳликали шароитда янги Ўзбекистоннинг тинчлиги сақлаш борасидаги халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга ташаббуслари сиёсий доиралар, кенг жамоатчилик томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда.

Шу йил 3-4 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган “БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги” мавзусидаги халқаро конференция ана шундай ташаббуслардан биридир.

Бу тадбир нафақат минтақа, балки дунё халқларини турли бузғунчи ғояларга берилмаслик, терроризм балосига қарши ҳамжиҳатликда курашиш учун бирлашиш, огоҳлик ва ўзаро аҳилликка чорлаши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти ҳар доим халқаро нуфузли минбарлардан турб дунёда тинчликни сақлаш, эзгу мақсадларни бирлаштириш ва уни одамлар манфаати учун йўналтиришга чақириб келади.

Хусусан, давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида “**Ҳозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида тўб ўзгаришлар юз бермоқда. Биз минтақа давлатлари ўртасида яхши кўничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат муҳитини яратишга эришдик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгарги сурилган ташаббусга асосан мунтазам ўтказилаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари умумий ютуғимиз бўлди**”, дея таъкидлаган эди.

БМТ минбаридида янграган бу нутқ Ўзбекистонда тинчликпарвар ва бағрикенглик сиёсати олиб борилаётганини тўлиқ ифодалайди. Бу эса БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегияси мақсадларига тўла ҳамоҳанг.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янги Ўзбекистонда инсон ва давлат ўртасидаги муносабатлар аниқ белгилаб қўйилган: фуқаро давлатга эмас, давлат фуқарога хизмат қилиши тамойили амалга оширилиши аҳоли ўртасида халқлик ижтимоий сиёсатга ишончини мустаҳкамлади. Давлат Конституция орқали ўз фуқароларини турли таҳдид ва хавф-ҳазарлардан асраша, фуқаролар ҳам давлатни ҳимоя қилишга тайёр бўлади. Масалан, COVID-19 глобал пандемияси вақтида давлат ва жамоат ташиқлотлари аниқ, уйғунлик билан ва саросимага тушмасдан бутун мамлакат аҳолисини ушбу хавфли касалликдан ҳимоя қилиш борасида профилактика ишларини самарали ташкил этди. Барча кучлар пандемияни тез ва босқичида-босқич бартараф этишга қаратилди.

Ижтимоийлашув шахсни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни сифатида унинг бутун ҳаёти мубайнида давом этади, ҳеч қачон тугамайди. Фуқароларнинг терроризм ва экстремизм каби глобал хавфлар ва ижтимоий ҳодисалардан, ҳар қандай бошқа таҳдидлардан ҳимоясини таъминлаш ҳам давлат ижтимоий сиёсатининг энг асосий ва муҳим йўналишларидан биридир.

Президентимиз сўнгги йилларда ортиб бораётган терроризм таҳдиди ҳақида сўз юритар экан, куч ишлатиш билан ушбу огир муаммони ҳал қилиб бўлмас-

лигини таъкидлаган эди: “**Дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради.**

Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳонат ва мурасасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”.

Дарҳақиқат, ёшлар орасида профилактика ишлари олиб бориш жуда муҳим. Чунки айнан ёшлар турли ғайри-иқтимоий ва жиний гуруҳларнинг салбий таъсирига тушиб қолиши мумкин бўлган энг заиф қатлам ҳисобланади.

Ёшларнинг ижтимоий ва моддий ҳимояланмагани, ўз-ўзига баҳо бериш ва мулоҳаза қилишдаги максималлик, психология жиҳатдан қамолга етмаганлик, ўзгаларнинг фикрига боғлиқлик — булар ёшлар орасида радикал ғояларнинг осон ва тез тарқалишига замин яратувчи сабаблардан саналади.

Халқаро террорчи ва экстремистик ташиқлотлар ёшларни ўз уюшмаларига жалб қилишга интилиб, кўпинча уларга ҳамма нарса, шу жумладан, моддий ва шахсий муаммоларга осон ечим топиб беришни ваъда қилади. Ҳали онги тўла етилмаган ёшлар бундай пуч ваъдаларга учиб, ўзлари учун қўллаб янги муаммоларни орттириб олмақда.

Фикримизча, ёшлар орасида экстремизм ва терроризмни профилактика қилиш бу ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этишдан кўра анча осон. Шу муносабат билан биз ёшлар орасида радикал қарашларни қамайтиришга қаратилган ва терроризм ҳамда ёшлар экстремизмига қарши курашнинг ўзбек модели асосини ташкил этувчи бир қатор тизимли ҳаракатларни тақлиф этамиз.

Авалло, ёшлар орасида Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Бурхониддин Марғиний қабил мутафаккирлар асарлари бўйича асл исломий билим асосларини шакллантириш керак.

Шунингдек, ёшлар турли жамиятларда тарбиялангани ва у ерда ҳам ижобий, ҳам салбий кўникмаларга эга бўлаётгани, қизилқўшлари нуктаи назардан бирлашаётгани боис, индивиду ва шахсий шакллантириш ва ривожлантириш жараёни сифатида ёшларнинг ижтимоийлашувига алоҳида эътибор бериш зарур. Бу барча босқичларда ўз ёш гуруҳларида фаол ижтимоийлашув бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Хусусан, бунга таълим ва тарбия соҳасидаги ҳуқуқий асосларни ўрнинчи сезиларли даражада кенгайтириш орқали эришиш мумкин. Аввало, шахсий, шунингдек, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни билиш ёш авлодда бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, шу жумладан, уларнинг ҳаёти, соғлиги ва кадр-қимматига ҳурмат ҳиссини шакллантиришга ёрдам беради.

Қолаверса, ёшларда миллати, дини, ижтимоий, моддий ҳолатидан қатъий

“ФИКРИМИЗЧА, ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ БУ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАН КўРА Анча осон. Шу муносабат билан БИЗ ЁШЛАР ОРАСИДА РАДИКАЛ ҚАРАШЛАРНИ ҚАМАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ВА ТЕРРОРИЗМ ҲАМДА ЁШЛАР ЭКСТРЕМИЗМИГА ЁШЛАР КУРАШНИНГ ўЗБЕК МОДЕЛИ АСОСINI ТАШКИЛ ЭТУВЧИ БИР ҚАТОР ТИЗИМИЛИ ҲАРАКАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**”**

назар, барча одамларга нисбатан бағрикенг муносабатда бўлиш туйғусини шакллантириш лозим. Жумладан, Конституцияимизнинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир ҳил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий маъқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, дейилади.

Ёшларга барча одамларни, уларнинг шарт-шароитидан қатъи назар, ҳурмат қилиш, бирон-бир аломатига кўра ажратиб бўлмастлигини болаликдан синдириб бориш керак. Ушбу омил терроризм ва экстремизмнинг барча кўринишларига қарши туришга ёрдам беради.

Ўз навбатида, ёшларнинг бундай вақтини мазмунли ўтказиш ва дам олишини тўғри ташкил этиш лозим. Маълумки, баъзи ёшлар турли радикал ташиқлотларга қўлини бундай вақтини фойдаланиб ўтказиш истига ва баъзан ижтимоий йўқлиги сабабли қўшилиб қолмоқда. Хусусан, нафақат катта шахарларда, балки энг чекиа туман ва кишлоқларда клублар, маданият уйлари, кинотеатрлар, музейлар фаолияти йўлга қўйилиши керак. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бу борада янги спорт иншоотлари, бассейнарлар барпо этиш, шунингдек, ма-софавий ўқитиш имкониятидан кенг фойдаланиш зарур.

Ва ниҳоят, ёшларнинг ижтимоий ва моддий таъминоти даражасини ошириш, ёш мутахассисларга иш топшида қўллаб-қувватлаш, ёшларга уй-жай ажратиш дастурларини қўллаб-қувватлаш, уларга узоқ мuddатли ва имтиёзли кредитлар бериш керак.

Бу борада Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган мақсадли давлат ижтимоий сиёсати ва унинг миллий дастурлари, ҳокимият бошқарувининг вестикал шакли ҳамда унда турли ижтимоий гуруҳ вакилларининг фаол иштирок этиши муҳим роль ўйнай бошлади. Албатта, ушбу чоралар давлат ҳокимияти органларининг ёшларга гамхўрлик қилаётгани ва ноқонуний хатти-ҳаракатларга ҳеч қандай зарурат йўқлигини аниқлашга ёрдам беради.

Шу ўринда тинчлик ва оқшайтликни сақлаш, терроризмга қарши курашиш борасидаги Ўзбекистон сиёсати қатъий позицияга эга ва орта қайтмас тус олганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, бу мақсадлар 2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ўз аксини топган.

Унга кўра, инсон қадрини улуғлаш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш мақсад қилинган.

ЭКОЛОГИЯ

Баҳор ХИДИРОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Юртинг хар гўшасини обод этиш, дарахт экиб боғ яратиш, яшил майдонларни кенгайтириш халқимизга хос азалий қадриятлардан. Унинг бардавомлигини таъминлаш учун табиий мухитни яхшилашга хизмат қиладиган ташаббуслар иллари сурилаётгани эса барқарор ривожланишга эришиш омили бўлаётди.

ИНСОН БОҒНИ ЯШНАТАДИ, БОҒ ҲАЁТНИ

Бугун мамлакатимиз бўйлаб "Яшил йиллик" умуммиллий тадбири бошланди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда ушбу йўналишда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Утган йил кузида бошланган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ва унинг доирасида ўтказилган "Долзарб қирқ кунлик" экологик акцияси бунга мисолдир. Маълумки, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 200 миллион туп дарахт кўчати экиш режалаштирилган эди. Шунга мувофиқ, кузда 85 миллион туп кўчат ўтказилди. Бу йил баҳор мавсумида 125 миллион донга кўчат экиш мўлжалланмоқда.

Жорий йил 2 февраль куни чиқиндилар билан ишлаш тизими ва экологик ҳолатни яхшилаш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар юзасида ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бу борадаги вазифаларга тўхталиб, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бир йиллик тадбир эмаслигини алоҳида таъкидлади. Унинг доирасида келгуси беш йилда 1 миллиард туп дарахт кўчатини экиш мақсад қилингани қайд этилди, жорий йил 1 мартдан "Яшил йиллик" умуммиллий тадбири эълон қилинди.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудда ушбу йўналишдаги ишлар бошлаб юборилди. Хар бир ҳудудда тупроқ ва иклимга мос, кам сув талаб қиладиган кўчатлар танланиб экилмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятида ҳам маҳалла ва кўчаларни обод қилиш, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш, боғ барпо этиш, табиатни асраш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасидан маълум қилишларича, ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, ўтган йил кўз ва жорий йил баҳор мавсумида 16 миллион 356 минг туп мевали ва манзарали кўчат экиш режа қилинган эди. Утган йил кузи кўчат экиш мавсумида 7 миллион 285 минг тупдан ортиқ кўчат экилди. Баҳор мавсумида эса 10 миллиондан ортиқ кўчат экиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 632,5 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Олимлар ва соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашган ҳолда, вилоятнинг чўл ҳудудларида гармсел ва қурғоқчиликка чидамли қайрағоч (гужум), чинор, бодом кўчатлари, шўрланишга қарши эса тут, сувсизликка чидамли саксовул, ясен (шумтол), япон сафораси, тоғли худудларда дуб, игна баргли дарахтлар (арчадошлар)нинг барча турлари, лапа дарахти, япон сапораси экилмоқда.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Аёз ортга чекиниб, Лангар тоғларида баҳор нафаси сезила бошлади. Момолар ўлан айтиб, сумалак майчасини кўқартиришга киришди. Боболар куншувокда давра қуриб, қуёш тафтидан баҳра олганча суҳбат қурмоқда. Бизнинг қахрамонимиз — қўшни вилоятдан Лангар тоғ этагидаги чекка қишлоққа ишга келган шифокор йигит аллақачон бу манзилнинг одамларини ҳавосига мослашиб улгурган. Кун давомида қишлоқ айланиб, одамлар ҳолидан хабар олиб, кўпчиликнинг дуосини эшитиб, дардига шифо улашаётганидан мамнун.

Тоғ одамлари зуваласи пишиқ, захматкаш одамлар. Доим кўли меҳнатда. Танти ва мард. Хар қандай касалликни ҳам енгишга ҳаракат қилади. Бунга яна бир сабаб бор. Чунки бу тарафларда шифокор анқонинг уруғи эди. Қишлоқдан бу қасбга қизикқан ёшлар ҳам олийгоҳни тамомлағач, шаҳарда қол-

ган, қишлоқ одамларининг қорига икки-уч ҳамшира яраб турганди... Яқинда Самарқанддан ишга келган шифокор йигит Жўрабек тоғ одамларининг кўнглидан жой олиб, ширин сўзи ила малҳам бўлмоқда. Дарвоқе, қишлоқда ҳамма уни "Жўрабек доктор" деб қаҳради. Қахрамонимиз Жўрабек Халилов Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида шифокорлар оиласида туғилган. Жўрабек болалигидан тиббиётга меҳр кўйиб улғайди. Бу иштиёқи уни Самарқанд тиббиёт олийгоҳи томон етаклади. Олийгоҳни битириш арафасида талабалар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари вакиллари ўртасида учрашув ўтказилди. Унда ёшлар учун кўплаб тақлифлар тушди. Жумладан, Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллари воҳодаги чекка ҳудудларда шифокорлар етишмаслиги, агар талабалар ўша жойларга ишга бурса, одамларнинг ойғир енгил, узоғи яқин бўлиши ҳақида айтди. Бу Жўрабекка маъқул бўлди. Аксарият курсдошлари катта шаҳарларни орзу



қилиб турган вақтда у опис қишлоқни танлади. 2021 йилда ўқини тамомлаб тўри Қашқадарё вилоятига йўл олди. Бу ерда уни яхши кўтиб олишиб, Чирокчи туманидаги Қалқам қишлоқ врачлик пунктига ишга юборишди.

Шу тариқа у тоғ этагида жойлашган "Лангар" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисига хизмат қиладиган бўлди. Тиришқоқлиги боис, ишга тез киришиб кетган Жўрабек шифокорлар кам бўлган ҳудудда ишлаш осон эмаслигини яхши тушунди. Шундай пайтда

Амир Темур боғлари тикланадими?

Қадимда хар бир ҳудуд табиатини намоён этувчи фусункор боғлар кўп бўлган манбалардан маълум. Масалан, Амир Темур барпо этган боғларнинг довури бутун оламга таралган. Манбаларда қайд этилишича, Амир Темур боғлари тузилишига кўра, икки турга бўлинган. Чорбоғлар геометрик шаклда бўлиб, хар томони тахминан бир километр масофага чўзилган. Саҳнидан ўтган ариқлар уларни тўрт қисмга ажратиб турган. Атрофидаги баланд паҳса деворларнинг хар бурчагида минора бўлган. Бундай боғларнинг дарвозалари шаҳар тарафга қаратиб қурилган.

Тузилиши геометрик шаклда бўлмаган, табиий дарахтзор ва чақалзорлар бағрида барпо этилган боғлар эса, ҳукмдор ов қилиши учун мўлжалланган ва уларнинг асосий қисми табиий ҳолда сақланган. Уларнинг кичик бир қисмигагина дам олиш учун сарой, қўш ва чодирлар қурилган, ҳовузлар қазилиб, фавворалар ўрнатилган. Бу турдаги боғларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлган.

Афсуски, сўнги асрларда инсониятнинг табиатга таъсири кўчайиши натижасида табиатнинг бундай яшил, мафтункор ҳудудлари таназулга юз тутиб, уларнинг номигина хотира бўлиб қолди. Самарқанд вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассиси Шерали Искандаровнинг айтишича, амалга оширилаётган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари жараёнида буюқ аждодимиз Амир Темур эсол солган эзгу аънъани муносиб давом эттириш, турли ҳудудларда, жумладан, Самарқанд шаҳри атофида кўракам боғлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Аини пайтда "Яшил йиллик" умуммиллий тадбири доирасида Чўпонота тепалиги ҳудудида вилоят ҳокимлиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда мутасадди қорхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида жами 186 гектар ерда 5 турдан ортиқ мевали, манза-



рали ва бутасимон дарахт кўчатлари экилмоқда. Шунингдек, экилаётган ниҳолларни томчилатиб сугориш мақсадида махсус сугориш қурилмалари ҳам ўрнатилаяпти.

Тарихдан маълумки, Амир Темур барпо этган боғлар Самарқанд шаҳрини хар тарафдан ураб, ҳудудда иқлим мўтадиллигини сақлаш, сув ва тоза ҳаво билан таъминлашда муҳим табиий манба бўлган. Янги барпо этиладиган боғлар ҳам ана шундай қадриятларимизга янгида ҳаёт бахш этиши ва келажак авлодларга маънафидо табиатни мерос қолдиришда муҳим аҳамият касб этади. Янги барпо этилажак боғлар авлодларимизга узоқ йиллар хизмат қилиши учун сугориш тизимларини мукаммал барпо этиш муҳим ҳисобланади. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, кўчат экиш билан бирга уларни сугориш, парваришлашга масъуллар тайинланаяпти.

Хар бир ҳудуднинг яшил боғи бўлади

Боғлар, ўрмонлар, яшил ҳудудлар сайёраимизнинг табиий бойлиги, тоза ҳаво ва соғлиқ гарови ҳисобланади. Шу боис, халқимиз табиатнинг бу баёбах неъматини ардоқлаб, "Бирни кессанг ўрни эк", деб ўғит беради. Аммо бугунги глобал жараёнларга назар солсак, инсоният ўз ҳаёти ва фаолиятида ушбу ўғитларга деярли амал қилмай қўйганига гувоҳ бўламиз. Мутахассислар маълумотига кўра, сайёраимизда хар йили 15 миллиард тупга яқин дарахт кесилади, экиладиганларининг сони эса беш миллиарддан ошмайди. Экилган бир туп ниҳол эса қачонки 20 метрга етса, у табиатда яшил қалқон вазифасини бажара бошлайди. Албатта, бунга йиллар керак бўлади. Шундай экан, дарахтларни аёвсиз кесиш экологик мувозанатга таъсир ўтказмай қолмайди. Бунинг натижасида чўланиш, қурғоқчилик жараёни кўчайиб бораётди. Ҳаво харорати йил сайин кўтарилиб, глобал миқёсда сув танқислиги кўчаймоқда. Бундай глобал муаммоларнинг олдини олиш учун яшил майдонларни кенгайтириш ўта муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини

жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ушбу йўналишга доир муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, ушбу фармонга мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудда яшил боғлар ва яшил жамоат парклари ташкил этиш кўзда тутилган.

Яшил боғлар шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида дарахтзор ва бутазорлар барпо этиш, тақрирй кўпайтириш, қайта тиклаш, парвариси қилиш, муҳофаза қилиш ҳамда махсусдорлигини оширишга хизмат қилади. Яшил жамоат парклари эса идровий мансублигидан қатъий назар, бино, иншоотлар, ишлаб чиқариш ва ношлаб чиқариш объектлари, шу жумладан, аттракционлар қурилиши таққиланган ҳамда аҳоли сайр қилишига мўлжалланган дарахтзор ва бутазорлардан иборат бўлади.

— Мазкур фармонда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ижро этиш юзасидан тизимли ишлар олиб беришмоқда, — дейди Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти директори Абдушуккур Ҳамзаев. — Биринчи босқичда хар бир туманда 1 гектардан 10 гектаргача жой танланади. Бу ерларда яшил боғлар барпо этилади. Шунингдек, яшил жамоат парклари ташкил этиш учун аҳоли пунктларида 1 минг 220 гектар майдон мўлжалланмоқда. Яшил жамоат парклари бир гектардан эллик гектаргача бўлган майдонда барпо этилиши мумкин. Бу ҳудудларга экиладиган кўчатлар тавсия этилди. Ушбу лойиҳалар амалга охша, пойтахтимиздаги Ботаника боғи сингари хар бир ҳудуднинг яшил боғи бўлади. Аҳоли дам олиш кўнлари тоққа эки яшаш жойидан узоқ бўлган табиий ҳудудларга боришига эҳтиёж қолмайди. Ўз яшаш жойидаги боғларда, табиат қўйнида хордиқ чиқариб, дам олиш кунини мазмунли ўтказиш имконига эга бўлади.

Юртимизда табиатнинг сўлим фасли — кўклам ана шундай эзгу амаллар, яхши ниятлар, хайрли ишлар билан бошланмоқда. Бугун ерга қадалган ниҳоллар она замон меҳри, кўклам шамолдан куч олиб, кўкка буй чўзади, одам яшилликка бурканади. Бу уйғунлик эса, инсон ва табиатга катта куч ато этиб, ҳаёт давомийлигига замин бўлади.

Акбар РАҲМОНОВ, журналист

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН “БАҲОР”И

ЮРТИМИЗНИНГ “ТАШРИФ ҚОҒОЗИ”ГА АЙЛАНДИН!

Ёхуд Муқаррама хоним қизлари хиром айлаганда...

Бошланиши 1-бетда

Давр тўсиқларини енган жасоратли аёл

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан сўнгги йилларда мамлакатимизда маънавият, маърифат, маданият ва санъатга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. — дейди академик Оқил САЛИМОВ. — Ушбу соҳаларда йўналиб қолган муаммолар, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тақдирлар ўртага ташланди, топшириқлар берилди. Натижада ўзгариш экинлари ўзбек миллий рақси эшикларидан ҳам кириб борди, унга янгиликни ҳавосини бахш этди. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 4 февралдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари шу каби муаммолар ечимида айтилган мудоа бўлди. Айниқса, ҳозирги кунда Ўрганч шаҳрида минг ўринли санъат саройи бунёд этилаётгани кишини қувонтиради. Келгусида ушбу масканда Хоразм лаҳзиси аъёнларини сақлаш, ўрганиш ва кенг ёйиш учун замонавий шароит яратилиши, турли тадбирлар, концертлар ўтказилиши мўлжалланмоқда. Яқинда Президентимиз Қорақалпоғистонга ташрифи давомида ҳам, “Охириги беш йилда кўп нарсани ўргандик, илгари ишонилмаган нарсаларга ишондик. Мен биринчи келганимда “маданият Мўйноқдан бошланади” дегандим”, дея бежиз таъкидламади. Бугунги кунда юртимиздаги ислохотлар мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига нафақат кириб бормоқда, балки янгиликлар нафаси айтиш шудудларда акс этмоқда. Шунингдек, барча янгилик ва ўзгаришлар асосида устоз санъаткорларимиз тажрибаси ва маҳорат мактабидан иборат олишига ҳаракат қилинаётгани ҳам эътиборга молиқдир.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида рақс санъатида ҳам устоз-шоғирд аъёнани муҳим ўрин тутганини таъкидлаб, Ўзбекистон халқ артисти Муқаррама Турғунбоева ўз санъати билан халқимизни маданиятини, санъатини дунёга танитишда жуда катта меҳнат қилганини бежиз эътироф этмади. Чиндан ҳам бир пайтлар Ўзбекистонни кўп давлатлар танимас эди. “Баҳор” ансамбли эса Ўзбекистон номини дунёга танитиди, мамлакатнинг ташриф қоғозига айланади. Айни пайтда янги Ўзбекистон “Баҳор”и ҳам юртимизнинг ташриф қоғозига айланиши учун барча шарт-шароитлар муҳайе!

Сўхбатдошимиз таъкидлаганидек, “Баҳор” ансамбли тарихига назар солсак, Муқаррама Турғунбоева шахси кўз ўнгимизда гавдаланади.



Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур...

Болалик хотираларимдаги кўзгуда Муқаррама хоним сиймоси у хиром айлаган “Тановар” оҳангларига ўзгача жилваланади. Ҳар гал телевизор экранига ўша қаддон қўшиқ янграй бошласа, Турсуной буюм кўзларига ёш олиб шивирлай бошларди: “Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур...”

Фаранг рўмоли билан юзини пана қилган малак ибоси, ажабтовор майда қадамлари, нафис ҳаракатларини томоша қилар эканман, ўша пайтдаги ақлим билан буювжонимнинг изтиробларини тушунмас эдим. Бобожоним ҳам бундай пайтда телевизор қаршисидан кетолмас, “Мана асл санъат малакиси”, дея беҳиштер алқаб кўради...

Нима учун халқимиз Муқаррама хонимни шунчалар яхши кўрган? Ҳар қандай инсонни сеҳрлайдиган, қалбларимизни мумтоз санъатимизнинг ўлмас ришталарига чамбарчас боғлаб қўядиган бу илоҳий истеъдоднинг номи нима экана...

Тарихий маълумотларга кўра, Муқаррама Турғунбоева болалигида етимликнинг тошдек қаттиқ нонидан татиб кўрган. Кўҳна Марғилон боғларида, кўчаларида, хонадонларида ҳаёт синовларидан ўтган тийраққина қизалоқ бир кунги ўз истеъдоди билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёда ном қозонади, деса ким ҳам ишонарди?.. Бироқ Яратганнинг муъжизалари чексиздир! Юсуфжон қизик Шакаржон, Уста Олим Комилов ва Тамара хонимдек буюк санъаткорлар назарига тушган бу қизалоқ ўзбек санъати тарихида ёрқин из қолдирди. Кейинчалик хоржий сафарлардаги учрашувларда Муқаррама опа: “Мен қаерда бўлмайин кўҳна Марғилонимни, Ўзбекистонимни ҳамisha юрагимда олиб юраман. Хоржий сафарларда она халқимнинг иссиқ тафтини, буюк қалбини, мумтоз санъатимизга бўлган юксак муҳаббатини жамлаган — “Тановар”ни янада чуқурроқ ҳис қиламан”, дея таъкидлаган.

Шу қадар гўзал ва нафис рақслар борлигини билмаган эканман...

1957 йилда Муқаррама Турғунбоева ўзи саҳналаштирган “Пахта” ва “Пилла” рақслари билан Москвада ўтказилган 6-жаҳон фестивалида қатнашади. Ижодий жамоа бу фестивалда олтин медални қўлга киритади ва Муқаррама хонимга миллий рақс ансамблини тузишни маслаҳат беришади. Шундан қилиб, 1957 йилнинг октябры ойида Зулайхо Раҳматуллаева, Валя Романова, Ўло Раҳимжоннова, Ира Расулжўяева, Дилбар Абдуллаева каби 12 нафар раққосадан иборат ансамбль ўз фаолиятини бошлади. Опа “Ўзбекконцерт”да ишлаётган шор Камтар Отабоевдан ансамблга муносиб ном топиб беришни илтимос қилади. Эртаси кунги у келиб, “Ансамблининг номи “Баҳор” бўлади!” деганида ҳамма қарсақ чалиб юборди. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадjon Мирзаев “Баҳор вальси”ни басталашга киришади. Бирин-кетин 15 та дастур яратилади. Ўша кундан буюн ансамбль қаерга сафарга борса, ҳамisha дастур аввалида “Баҳор вальси”, охирида эса “Пахта сюитаси” ижро этилган.

— 1960 йили “Баҳор” ансамбли давлат рақс ансамблига айлантирилди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев. — 1967 йилда ансамбль Ёшлар мукофоти, орадан бир йил ўтиб эса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ансамбль унвонига эга бўлди. Ансамбль Ливия, Марокаш, Жазоир, Тунис, Ҳиндистон, Сингапур, Малайзия, Покистон, Афғонистон, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатларда гастролда бўлди. У турли халқаро фестиваллар иштирокчиси ва совриндорига айланди.

“Баҳор” ансамбль довриги бутун оламга ёйилган пайтларда устоз санъаткорлар Қаҳрамон Дадаев ҳамда Бахтиёр Йўлдошевнинг тавсияси билан Хайрулла Лутфуллаев ишга келади. — Канадада борганимизда концертдан сўнг ёши кексароқ бир олима аёл, “Атлас деб аталган

сеҳрли матодан қўйлак кийиб, ироқи дўппи кийиб олган бу ўзбек нозанинлари фаришталарнинг ўзи-я... Ерўғ оламда шу қадар ҳам нафис ва гўзал рақслар борлигини билмаган эканман. Қалбларини, кўзларини қувнатадиган, яшнатадиган либосларингиз ва санъатингиз шайдоси бўлиб қолдим”, деган хайратланиб... Мана, ҳозир Ўзбекистонимизда қанчалар улкан ўзгаришлар содир бўляпти. “Баҳор” ансамблининг қайта тикланиши ана шу ўзгаришлар ва янгиликлар даврига жуда ярашди. Миллий муқиқларимиз, рақсларимиз ва мумтоз қўшиқларимизга қаратилган бу эътибор халқимиз маънавиятига бўлган эътибор, деб биламан.

Уруш бўлаётган юртларда ҳам концерт берганмиз

Санъатшуносларнинг таъкидлашича, Тамара хоним, Уста Олим Комилов, Галия Измайлова ҳам ўзбек санъатини чет элларда намойиш қилган. Лекин ўзбекча оммавий рақсларни асосан Муқаррама Турғунбоева дунё саҳнасига олиб чиқди ва тарғиб қилди. Хорж сафарларида концертдан сўнг муҳлислар “Баҳор” санъаткорларини ўраб олишар, қаердан келдингиз, дунёда Ўзбекистон деган юрт борми, қаерда жойлашган бу афсонавий ўлка, дея саволга тутишар, юртдошларимизнинг жавобини зўр қизиқиш билан тингларди.

— “Баҳор” малаикалари ҳатто уруш кетаётган ўлкаларга ҳам бориб концерт берган, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева. — Айниқса, Анголада бўлган бир воқеа эсимда қолган. Ансамбль бир шаҳардан иккинчисига концерт бериш учун учиб кетаётганида учувчилардан бири салонга кириб самолётга зўр узишаётганини, зудлик билан ортага қайтиш заруриятини маълум қилди. Шунда Муқаррама опа бу хабардан чўчиш ўрнига, “Энди концертимиз нима бўлади?” деган тавиш билан. Афғонистонга бўлган сафарларимиз давомида ҳам хатарли вазиятларга қарамасдан Муқаррама опа сафнинг энг олдида ўтиб олар, қизлар тез-тез юринлар, биз асосий вазифамизни бажаришимиз керак, дер эди шижоат билан қадам ташлаб...



Дастурларимиз доира рақслари билан бетакор эди

— Ансамбль билан 110 та давлатда сафарда бўлганмиз, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Талъат Сайфидинов. — Шунини таъкидлашнинг истардимки, Муқаррама опа билан тайёрлаган дастурларимизда доира рақсларига алоҳида эътибор қаратилган. “Учрашуви”ни турмуш ўртоғим Гулсанам Сайфидинова билан бирга ижро этганмиз. “Пилла”, “Катта ўйин”, “Чўпон” рақсларини ҳам ўзгача шижоат ва ҳаяжон билан ижро этар эдик. Ўша пайтлар доира ўйинлари жуда машур бўлган. Ҳар бир чиқишимизни зўр олқишлар билан кутиб олишган.

Ансамбль ижодкорлари қаерга борса ўша давлатнинг миллий рақсларини ўрганиб қайтар, шу билан бирга, миллий ўзбек рақсларини ҳам бошқа миллат вакилларига ўргатишдан чарчамас эди. — Ҳиндистонга борганимизда машур давлат ва жамоат арбоби Жавахарлал Неру, “Ҳиндистонни биринчи марта Бобур Мирзо забт этган бўлса, иккинчи марта “Баҳор” ансамбли ўз санъати билан забт этди”, деганида бутун зал ўрнидан туриб қарсақ чалган, — дейди Талъат Сайфидинов. — Биз ўша миллат кўйларини ва рақсларини жуда тез ўзлаштирар эдик. Лекин улар бизнинг рақсларимизни ўрганишда жуда қийналган. Муқиқларимизни ҳам чала олмас эди. Айниқса, “Гира”, “Феруз”, “Сеғоҳ”ларни бирдан ўрганиб бўлмайдик-ку... Ҳозирги кунда “Баҳор” да фаолият олиб бораётган шигирдим, маҳоратли доирачи Маъмуржон Мирдадаевдан умидимиз катта.

Йигирма йиллик танаффус ва... янги тақдирот ҳаяжонлари

— Опам Насиба Мадраҳимова билан “Баҳор”нинг концертларига бориб турар эдик, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти, “Баҳор” давлат рақс ансамбли бадиий раҳбари Зиёда Мадраҳимова. — Ўша пайтлари ансамблининг бадиий раҳбари Муқаррама Турғунбоевнинг санъатига бўлган муҳаббатини қуриб менинг ҳам ниятларим, орзуларим қатъийлашган.

Муқаррама опа Турғунбоева “Баҳор” ансамблига 25 йил раҳбарлик қилди. 200 дан ортиқ рақс саҳналаштирди. “Баҳор” дунё кезди. Муқаррама опадан сўнг Қундуз Мирқаримова, Равшано Шарипова, Маъмура Эргашева “Баҳор” ансамблининг бадиий раҳбари бўлиб фаолият олиб борди. Кейинчалик давр ўзгариб, “Баҳор” ансамбли фаолияти тўхтаб қолди. — 2019 йилда мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби янги биносини очгани келди, — дейди сўхбатдошимиз. — Шу муҳим тадбирда давлатимиз раҳбари “Баҳор” ансамблини тиклаш борасида ҳам гапирдилар. Шу қадар қувондимки... 2020 йилда “Баҳор” ансамблини тиклаш ҳамда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби негизда давлат ОТМ шаклида Маданият вазирлиги тизимида Ўзбекистон давлат хореография академияси ташкил этиш тўғрисидаги муҳим ҳужжатга имзо чекилди.

Тақдиримиз маросимда Муқаррама опанинг “Тановар” рақси янги йўналишда саҳналаштирилди. Композицияга қўра, сато оҳанглари остида ёш раққоса Ёқутхон Ҳасанова Муқаррама Турғунбоева тилмолида саҳнага чиқиб келади. “Қани “Баҳор”, қани менинг қизларим”, дея саҳнани гиргир айланиб томошабинларга савол назари билан мурожаат қилади. Кейин бирдан “Тановар” бошланчи кетади ва ёш раққоса қизлар саҳнага кириб келади.

Тақдиротда бу саҳна кўриниши қўллаб оқлиши

каби муносабатда бўлади, керакли шароитни ярати беришга ҳаракат қилади, — дейди Ёқутхон. — Яқинда қайнонам ёш боламга қараб туриш учун биз билан бирга Тожикистонга борди. Мен ансамблдаги тартиб-интизомга, меҳр-оқибатга қўйиб қолдим, сизларнинг жамоангизга янада ишончим ортди, деди. Мен Севилья Османова, Робия Каримова, Дилбар Комилжоннова, Шукрона Камолжўяева, Шоҳсанам Турғунпўлатова, Саида Маҳмудова, Гулрайно Тўхташова каби аjoyиб ҳамкасбларим билан фахрланаман.

Муқаррама опанинг иш мезонлари жуда тартибли бўлган, — дейди раққоса Гулнора Мусоева. — Шу боис, “Баҳор”нинг қизлари атрофида инсонларга ҳар томонлама ўрнак бўлишга ҳаракат қилган. Ушбу ансамблда ишлайдиган дўноналарим опа таъкидлаганлари учун шим киймас эди. Аммо шунча таъкидларга қарамай, ҳамisha юқори кайфиятда фаолият олиб борганига ўзим ҳам ҳайрон қолар эдим.

Ҳозир балетмейстерлар бир кечада янги рақс саҳналаштириши мумкин. Муқаррама Турғунбоева эса бирон музикани эшитганидан сўнг анча пайтгача образ излаган. Кейин рақснинг схемасини қозғога чизган. Ўша чизилган расмлар ҳам архивда сақланиб қолган. Гулнора Мусоевнинг таъкидлашича, Муқаррама опа рақсларини кўпроқ расмом Зинаида Қуриш билан биргаликда чизган. Ҳар бир детални биргаликда синчиклаб ўрганган. Шу сабабли ўлмас рақслар яратилгандир...

— Узим рус бўлсам-да, Муқаррама опа туфайли ўзбек миллатига бошқача меҳр қўйганман, — дейди Гулнора опа. — Ўзбек миллий аъёна ва қадриятларини ҳам ансамблда келиб ўргандим. Қайта ташкил этилгани боис, мен яна “Баҳор” ансамблининг халқаро алоқалар бўлимида ишлаш бошладим. Шу кунгача ҳамкорликда иш олиб бориш учун Россия, Франция, Бельгия, Португалия, Туркия ва Ҳиндистон давлатларидан тақлифлар келиб тушган. Айни пайтда улар билан музокара олиб бораёмиз. Мени хурсанд қилгани ҳозирги кунда ҳам чет элларда ансамблини танишди, ҳурмат қилишди. “Баҳор” ансамбли тақдиротидан сўнг Россиянинг “Берёзка”, Грузиянинг “Сухашвили” ансамбллари раҳбарлари ва ижодкорлари бизга табрик йўллади.

... Устоз санъаткорларимиз ва “Баҳор” қизлари билан хайрлашар эканман, қўлогим остида яна Ўзбекистон халқ артисти Бобораҳим Мирзаев ижросидаги “Тановар” янграй бошлади. Бироқ энди саҳнада Муқаррама Турғунбоева эмас, янги аёлдо малаикалари хиром айлар эди. Ҳарир рўмолиларини юзига парда қилган бу гўзалларнинг қалби ҳам устоз санъаткоримиз ҳамisha талаб қилганидек ибo ва ҳаё номлиг нурлар билан зийнатланган бўлса, ажаб эмас...

Келиним “Баҳор”да ишласагина раққоса бўлишига рўхсат бераман

— Ойилалиман, фарзандим бор, — дейди “Нихол” мукофоти совриндори, “Баҳор” ансамбли раққосаси Ёқутхон Ҳасанова. — Фарзандли бўлганимдан кейин турмуш ўртоғим ва қайнонам саҳнага қайтишимга рўхсат бермади. Жуда сиқилиб юрган эдим, бир кун қайнонам, “Президентимиз “Баҳор” ансамблини тиклаш бўйича қарор қаърибди. Қизим, агар шу ансамблда ишласангиз мен сизга рўхсат бераман, лекин бошқа ансамблга рўхсат бермайман”, деди. Бу гапни эшитиб шунчалар хурсанд бўлиб кетдимки... Юзгуби қуриб ҳужжатларимни топширдим.

Ёқутхоннинг сўзларида жон бор. Шундай одамлар борки, раққосаларнинг бетакор рақсларини мароқ билан томоша қилади, бироқ ўзининг қизи рақс тўғрисида қатнашига асло рўхсат бермайди. Яхшиям Ёқутхоннинг қайнониси Муқаррама опа мактабидан, санъатдан хабари бор аёллардан. Аксинча бўлганида Ёқутхоннинг ҳаёти бутунлай ўзгариб кетган бўлармиди...

— Устозимиз Зиёда опа бизга ўз фарзандлари каби муносабатда бўлади, керакли шароитни ярати беришга ҳаракат қилади, — дейди Ёқутхон. — Яқинда қайнонам ёш боламга қараб туриш учун биз билан бирга Тожикистонга борди. Мен ансамблдаги тартиб-интизомга, меҳр-оқибатга қўйиб қолдим, сизларнинг жамоангизга янада ишончим ортди, деди. Мен Севилья Османова, Робия Каримова, Дилбар Комилжоннова, Шукрона Камолжўяева, Шоҳсанам Турғунпўлатова, Саида Маҳмудова, Гулрайно Тўхташова каби аjoyиб ҳамкасбларим билан фахрланаман.

Ўзбек миллий рақс санъати музейи ташкил этилади

— Муқаррама опанинг иш мезонлари жуда тартибли бўлган, — дейди раққоса Гулнора Мусоева. — Шу боис, “Баҳор”нинг қизлари атрофида инсонларга ҳар томонлама ўрнак бўлишга ҳаракат қилган. Ушбу ансамблда ишлайдиган дўноналарим опа таъкидлаганлари учун шим киймас эди. Аммо шунча таъкидларга қарамай, ҳамisha юқори кайфиятда фаолият олиб борганига ўзим ҳам ҳайрон қолар эдим.

Ҳозир балетмейстерлар бир кечада янги рақс саҳналаштириши мумкин. Муқаррама Турғунбоева эса бирон музикани эшитганидан сўнг анча пайтгача образ излаган. Кейин рақснинг схемасини қозғога чизган. Ўша чизилган расмлар ҳам архивда сақланиб қолган. Гулнора Мусоевнинг таъкидлашича, Муқаррама опа рақсларини кўпроқ расмом Зинаида Қуриш билан биргаликда чизган. Ҳар бир детални биргаликда синчиклаб ўрганган. Шу сабабли ўлмас рақслар яратилгандир...

— Узим рус бўлсам-да, Муқаррама опа туфайли ўзбек миллатига бошқача меҳр қўйганман, — дейди Гулнора опа. — Ўзбек миллий аъёна ва қадриятларини ҳам ансамблда келиб ўргандим. Қайта ташкил этилгани боис, мен яна “Баҳор” ансамблининг халқаро алоқалар бўлимида ишлаш бошладим. Шу кунгача ҳамкорликда иш олиб бориш учун Россия, Франция, Бельгия, Португалия, Туркия ва Ҳиндистон давлатларидан тақлифлар келиб тушган. Айни пайтда улар билан музокара олиб бораёмиз. Мени хурсанд қилгани ҳозирги кунда ҳам чет элларда ансамблини танишди, ҳурмат қилишди. “Баҳор” ансамбли тақдиротидан сўнг Россиянинг “Берёзка”, Грузиянинг “Сухашвили” ансамбллари раҳбарлари ва ижодкорлари бизга табрик йўллади.

... Устоз санъаткорларимиз ва “Баҳор” қизлари билан хайрлашар эканман, қўлогим остида яна Ўзбекистон халқ артисти Бобораҳим Мирзаев ижросидаги “Тановар” янграй бошлади. Бироқ энди саҳнада Муқаррама Турғунбоева эмас, янги аёлдо малаикалари хиром айлар эди. Ҳарир рўмолиларини юзига парда қилган бу гўзалларнинг қалби ҳам устоз санъаткоримиз ҳамisha талаб қилганидек ибo ва ҳаё номлиг нурлар билан зийнатланган бўлса, ажаб эмас...

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тажриятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдиган.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 520.
88510 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асоров
Мусаҳҳис: Маллоҳат Минғбаева
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎЗА Яқуни — 22:55 Топширилди — 00:40